

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 63 (10.368)

2005 ЙИЛ 31 МАРТ

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

### АХБОРОТ

2005 йил 30 март куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Кенгаш ШХТ ҳудудидаги вазиятни кўриб чиқиш, террорчилик, айирмачилик ва экстремизм ШХТга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий таҳдид солиб турганини қайд этди.

Кенгашда ШХТга аъзо давлатларнинг аксилтеррор салоҳиятини янада юксалтиришга, террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасида-

ги ҳамкорликни янада кучайтиришга оид умумий интилиш мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори В.Қосимовнинг Кенгаш қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Кенгаш ШХТ МАТТнинг жорий фаолиятига ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2005 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ҳамкорлик ва ишчанлик руҳида ўтди.

## XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Самарқанд, Сирдарё ҳамда Қашқадарё вилоят босқичлари бўлиб ўтди.** Голиблар кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

● **Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталари бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

● **Халқаро Амир Темур жамоармаси ЮНЕСКО ишлари Республика Миллий комиссияси, темирйўлар тарихи давлат музейи, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Фарғона Давлат университети билан ҳамкорликда «Амир Темур, Темирйўлар даврида фан ва маданият» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказди.**

● **Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида «Тойота-Самарқанд:Бизни камалак бирлаштирди» номли Япония болалари ижодиёти кўргазмаси очилди.**

● **Дехқонбод туманидаги Бошқорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Боғзагон қишлоғига ичимлик суви келтирилди.**

● **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Наманган вилоят бўлими қошида «Ниҳол» ўқув спорт маркази очилди.** Эндиликда вилоят ёшлари турли касбларни ўзлаштириш ва бўш вақтларини саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида ишлашти имкониятига эга бўлдилар.

### Жаҳонда

● **Британияда зилзилалардан тортиб астероидлар ва вулконларга бўлган барча фалокатлардан оғохлантириш бўйича глобал тизимни яратиш юзасидан режа ишлаб чиқилди.**

● **АҚШдаги Лос-Аламос илмий лабораторияси олимлари рентген нурлари ёрдамида бармоқ изларини аниқлаш ва таҳлил қилишининг янги усулини ихтиро қилишди.**

● **Индонезия ҳукумати Суматра ороли қирғоғида рўй берган кучли ер силқиниши оқибатларини бартараф қилмоқда.** Хусусан, талафот кўрган учта оролга мамлакатнинг иккита ҳарбий кемаси юборилди. Хориж мамлакатларидан ҳам кенг кўламадаги ёрдам келмоқда.

● **Канада Миллий хоккей лигаси тарихидаги энг кучли ўйинчилардан бири Уэйн Греци Австрияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакат терма жамоасида беш мураббийлик қилиш таклифини рад этди.**



СУРАТДА: «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг гилдираклари таъмирловчи илгор тоқари Абдушароф Имомов иш устида. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚУСҚА

● **БУГУН** шаҳримизда бир неча кундан бери «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан мактабларнинг «Камалак» етакчилари иштирокида ўтказилаётган ўқув семинари якунланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида Давлат солиқ кўмитасининг матбуот хизмати ҳамкорлигида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Солиқлар — бунёдкорлик манбаи» мавзuida ташкил этилган тадбирда қатнашчиларга буклетлар тарқатилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Дўстлик» маҳалласида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамоармасининг туман бўлими ва ҳамкорликларида Наврўз айёми муносабати билан маҳалла ахли иштирокида тадбир уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб берди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг раиси А.Аҳддов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Муҳокамада К.Жумамуротова, Э.Юсупов, Ф.Хотамов иштирок этдилар. Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди.

Мажлисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг раиси А.Турсунов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Муҳокама чоғида Б.Дадабоев, М.Усмонов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси

Н.Исмоилов депутатларга «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар А.Шукурлов, О.Исаев, Ш.Абдуллаева, И.Насриев, З.Убайдуллаев иштирокида бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили/Омбудсманнинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамада З.Мунавваров, А.Зиё, А.Мўминов, О.Усаров, А.Шодмонов, Э.Юсупов, Х.Ҳақимов, А.Юнусова, Т.Абдуллаева, Ю.Нижонов иштирок этдилар. Парламентнинг қуйи палатаси Омбудсманнинг ҳисоботини маъқуллади.

Бир томондан Ўзбекистон Республикаси, иккинчи томондан, Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳақида ташқи ишлар ва-

зирилиги бошқармасининг бошлиғи К.Юсупов депутатларга ахборот берди. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқар кўмитасининг раиси М.Тешабоев «Чечен Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси бир томондан Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга Баённомани /Брюссель, 2004 йил 30 апрель/ ратификация қилиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. А.Рустамов, А.Турсунов, Р.Собиржонов, А.Шодмонов иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Эндиликда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатлари ҳимояси улар фаолиятини баҳрлашнинг муҳим мезонига айланди.

Йўналишда прокурорлик назорати самардорлигини ошириш, прокуратура идоралари ва нодавлат ноҳиюрот ташкилотлар, жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Анжуманда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова иштирок этди.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Оксаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида прокуратура органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтган «Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси - прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши» мавзuida илмий-амалий семинар Президентимиз томонидан қўйилган ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Бош прокуратура Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази томонидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий

ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, нодавлат ноҳиюрот ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Прокуратура тўғрисида»-ги янги тахрирдаги қонунга мувофиқ, прокуратура органлари ходимларнинг масъулияти ва жавобгарлиги яна-

**Машиин**

**ФАКУЛЬТЕТДА ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида технологиясини тақомиллаштириш борасида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий ўқув юртининг пахта технологиясини ва механика факультети кафедраларида юзга келаятган илмий янгилар ҳам эътиборни ўзига тортди.

Технологик машина ва жиҳозлар кафедрасида тайёрланган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам бунинг қўрсатиб турибди. Иқтидорли талаба ёшлар изланишлари ҳам пахта технологиясини ва механика соҳасини ривожлантиришга қаратилаётганини айтиб ўтиш жоиздир.

Магистрантларнинг малакали илмий раҳбарлар ёрдамида амалга оширган изланишлари эса "Пахтасаноати илм" маркази ҳамда республика "Сифат" маркази томонидан муносиб тақдирланди. Факультет ҳузурда янги илмий лаборатория ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда пахта саноатининг техника ва технологиясини йўналишидаги илмий мавзуларга ҳам қўл урилди.

**ТИББИЁТ ФАНИ ЗАҲМАТКАШЛАРИ**

Республикамизда педиатрия тиббиёт илмини ривожлантиришда олимпиадалари мизнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Бунинг Тошкент педиатрия-тиббиёт институти илмий фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Олий ўқув юртининг изланувчан олимлари томонидан қўлбанд монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилган. Профессорлардан Наима Махмудова, Гулчехра Содикова, Ақида Муроджўаева, Мамлакат Мирзаева каби заҳматкашлар институт очилгандан бери шу даргоҳда ишлаб келишмоқда.

"Ўзбекистон тиббиётини олимпиадаларнинг ўрни" деган мавзуда ўтказилган илмий-амалий анжуманида уларнинг илмий-педагогик фаолиятлари тўғрисида илқ гаплар айтилди.

Шу билан бирга Зулфия Умидова, Муқаддам Ашрапова, Мунира Турсунжўаева каби таниқли марҳум олималар илмий меросини ўрганиш тўғрисида қизиқарли маълумотлар баён этилди.

**УНИВЕРСИТЕТДА ТИЛ МАРКАЗЛАРИ**

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида бир неча ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда. Хитой, япон, испан, немис, француз, англиз каби марказларда уюштирилаётган машғулотлар ҳам қўлбанд талаба ёшларда қизиқтиришга ёрдам беришга қўлбанд.

Олий ўқув юртининг халқаро журналистика факультети талабалари ҳам ўзлари севган тилларни мустақил ўрганиш имкониятига эгадирлар. Бу ерда Польша марказининг ташкил этилиши ҳам тилиб илмларга яхши соғва бўлди.

Марказда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар орасида Польшадан келган устозлар ҳам талабгина. Адам Мицкевич номидаги университет педагоглар поляк тилини ўргатишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш сабоқлар, поляк халқаро урф-одатлари, мамлакатнинг бугунги кунини билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

Ақбар АЛИЕВ

**"Машиаббус — 2005"**

**ЭНГ КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ**

Хар йили мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган аънанавий "Ташаббус" кўрик-танлови ўнлаб тадбиркор хунармандларнинг номини эл-юртга танитибгина қолмай, уларнинг ташаббуслари ривожланишида, янгиларни яратишида, иқтисодийётимиз раванки йўлидаги изланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, "Ташаббуснинг қаноти бор" ибораси ўз исботини топиб, ушбу қанотлар кенг қулоқ ёймоқда.

Аввал баҳар берганимиздек, шаҳриимиздаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Ташаббус — 2005" кўрик-танловининг шахар босқичи ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирлангани ҳам бунинг ёркин исботидир. Хар бир танловнинг ўзига хос хусусиятлари бўлганидек, юқоридаги тадбир ҳам янгиларни интилувчан, ишбилармон тадбиркорларни, ота-боболаримиз аънаналарини давом эттирган хунари гўзалларни юзга чиқариши, изланишга ундаши билан алоҳида аҳамият касб этди.

— Ушбу кўрик-танловимиз пойтахтимизда ўнчинчи бор ўтказилаётганлиги билан аҳамиятли бўлиб, тадбиркорлик ва хунармандчилик ривожига муҳим хисса қўлиши билан бирга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шахар бошқармаси раҳбари Садриддин Ҳақимов, — иқтисодийётимиз раванкида уларнинг ўрниларини белгилаб беради. — Утган йилда тадбиркорларимиз сафини шахримизда яна 3 мингтага кўпайганлиги ушбу соҳага қаратилаётган муҳим эътибор, берилаётган имтиёз ва яратилаётган шарт-шароитлар самарасидир. Бугунги "Ташаббус — 2005" хусусида тўхталадиган бўлсак, унда туманлардаги энг сара тадбиркор ва қўли гул хунар усталари қатнашишмоқда. Шуниси қувонарлики, рақобатбардош ва сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдиршида, қўшимча иш ўринлари яратишда, шунинг баробарида эл-юрт фаровонлигига хисса қўлишида уларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Сирасини айтганда, бугунги иш-тироқчиларимизнинг барчаси изланишлари самарасидан баҳраманд бўлаётган ва янгиларни қўли тадбиркор ва хунармандлардир. Бу, албатта танлов давомида ўз исботини топади.

Кўрик-танловда туман босқичларида биринчи ўринга сазовор бўлган голиблар — 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунарманд иштирок этишди. Улар орасида "Nur-El-Biznes", "Холос", "EAST Kolor", "Rosser", "Daymond Osiyo" масъулияти чекланган жамиятлари ушбу кўрик танловда илқ бора иштирок этаётган бўлса, "Офис Трейдинг", "MIRSAZAVA" хусусий фирмалари, "Олмос текс", "Инвестшоп", "Супромед" корхоналари эса янги-янги изланишлари билан маҳоратларини яна бир бор синаёт-

ган жамоалар сирасидандир. Шунингдек, Анвар Алимбоев, Нилуфар Исманова, Жамшид Сайдалиев, Мухсин Дадамўхамедов ва бошқа хунармандлар нафақат бел боғлашсини, балки маҳоратлари ва билимларини кўриқдан ўтказишни ният қилишган.

Халқимизда "Юз бор эшитгандан бир бор кўрган афзал", деган ажойиб ибора бор. Шу боис ҳам тадбиркор ва хунармандларнинг фаолиятини яққол акс эттирган маҳсулот ва буюмлар кўргазмаси барчанинг эътиборини тортди. Замонавий бунёдкорликда кенг қўлланиладиган мрамор плиткалар, бетондан тайёрланаётган қурилиш ашёлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, хорижидан асло қолишмайдиған тиббиёт анжомлари, матбаа қоғозлари, радиотехника ускуналари, металлдан санъат даражасида тайёрланган хилма-хил буюмлар тадбиркорлар савиясининг юксалиб бораётганидан дарак берса, ёғочга ўйиб ишланган нақшлар, миниматопра асарлари, миллий каштачилик ва темирчилик маҳсулотлари миллий аънава ва қадриятларимиз эъзозини хунари гўзаллар ардоғида эканлигини исботлаб, кўрган кўзларни қувнатиб турибди. Ахир уларнинг санъат даражасидаги маҳсулотлари халқаро ярмаркаларда муносиб баҳосини олиб, юртимиз довуруғини жаҳонга танитаётганини таъкидламай бўладими.

Голиблар ўзаро беллашганда, албатта хайрат аъзоларига уларни холис баҳолаш осон кечмайди. Шу боис ҳам улар 2 босқичнинг 5 та шартин бўйича мусоқабқа қилган иштирокчиларнинг хар бир чиқшларидаги билим ва маҳоратларини пухталиқ билан синавдан ўтказишди. Санъаткорларнинг чиқшлари эса қатнашчиларга яхши қайфият, куч-қувват бахш этиб турди.

Ниҳоят, Президент соврини учун республика миқёсида пойтахт шарафини ҳимоя этадиган иштирокчилар аниқланди. Бундай шарафга шахар бўйича "Энг яхши тадбиркор" номини олган голиб — "Офис Трейдинг" хусусий фирмаси раҳбари Ҳусан Мамасаидов ва



"Энг яхши хунарманд" деб топилган миниатюрча уста Жамшид Сайдалиевлар сазовор бўлишди.

Иккинчи ва учинчи ўрин сохиблари ҳамда қўлбанд номинациялар бўйича совриндорлар ҳам аниқланди. Голибларга диплом ва кимматбаҳо совғалар, барча иштирокчиларга эса номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**

муникация технологияларини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий базани шаклланти-

гlossарий» ҳамда «2004 йилда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияла-

ўзбек, англиз ва рус тилидаги 3 мингдан ортиқ атамани ўз ичига олган. Тақдимот иштирокчиларига Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мазкур луғатнинг ўзбек тилидаги биринчи электрон версияси (CD ва Web) намойиш этилди.

«2004 йилда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг шарҳи» китоби эса республикада ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир аънанавий мониторингининг давомидир. Унда тармоқ ресурсларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим, улардан жамиятда фойдаланиш, электрон ҳукумат, электрон тижорат, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сибсат каби талай йўналишларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришининг умумий жиҳатлари ҳамда суръати ўз аксини топган.

Учрашув якунида информатика асослари бўйича ўқув қўлланмаларини мактабларнинг ўқув жараёнида фойдаланиш учун Халқ таълими вазирилик вакиллари ҳам янги китоблар топширилди ҳамда уларни келгусида қайта чоп этиш ҳуқуқи берилди.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири**

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИ ЮКСАЛИШДА**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури фаолиятининг якунларига оид масала муҳокама этилди.

ришга ёрдам бериш, юқори бўғин давлат хизматчилари учун ахборотлаштириш ҳамда электрон ҳукумат масалаларига оид тренинглари ташкил этиш ва ўтказиш, республиканинг электрон тайёргарлигини баҳолаш, шунингдек, ахборот технологияларини ривожлантиришининг йиллик мониторингини амалга оширишга қаратилган. «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури мамлакатимиз давлат бошқарувини ахборотлаштириш ва энг янги технологияларни жорий этиш бўйича концептуал ҳамда дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишга фаол кўмаклашди.

«Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари», «Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича

ри ривожланишининг шарҳи» китобларини тайёрлаш ва чоп этиш «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастурининг якунида эришилган муваффақиятлардандир. Мазкур тадбир доирасида ушбу китобларнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

«Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари» китоби илмий ва ўқув қўлланмаси сифатида тайёрланган. Унда Ўзбекистонда электрон бошқарувни ривожлантиришининг умумий тушунчалари, бу борадаги йўналишлар ва мавжуд шарт-шароитлар ўз аксини топган бўлиб, кенг китобхонлар оммаси, жумладан давлат хизматчилари ҳамда соҳа мутахассислари учун мўлжалланган.

Гlossарий - изоҳли луғат

**Тадбирлар**

**САХОВАТ**

Халқимиз азал-азалдан меҳр-шафқатлилиги, мурувватлилиги билан ажралиб туради. Айниқса, кейинги пайтларда бу инсоний фазилатларнинг қадр-қиммати ортиб бормоқда.

Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилган саховатта йўғрилган тадбир юқорида қайд этилган фикрнинг тасдиғи бўлди. Унда тумандаги барча мактабларда таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатилди.

Ушбу тадбирда ота-оналар, мутасадди ташкилот етакчилари, ўқувчилар иштирок этишди. Учрашув давомида уларга совға-саломлар, моддий ёрдам топширилди.

**АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ**

Сергеи туманидаги 268-мактабда баҳор байрами нишонланди. Унда иштирок этган мактаб ўқувчилари ўзларининг халқ урф-одатларига бўлган ҳурматларини намойиш этишди. Ўғил болалар ўртасида варрак учуриш, кураш, арқон тортиш баҳслари ўтказилди.

Қизлар эса «Шарқ» ярмаркасини ташкил этишди. Унда қизлар ўзлари тайёрлаган баҳор таомлари — ҳалим, сумалак, миллий кашгагчилик услубида яратган асарларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилдилар.

«Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир қатнашчиларда катта таассуро қолдирди.

**ЎЗАРО**

**БАХСЛАШИШДИ**

Юнусобод туманидаги 17-мактабда ҳам Наврўзи оламга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда туман мактаблари етакчиларининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари қатнашди.

Ва ушбу тадбирда миллий қадриятларимизнинг узвий давоми сифатида ўқувчилар ўзаро баҳс юритишди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

**Майбаа**

**ҲАМКОРЛИКДАГИ НАШР**

Форс-тожик адабиётининг улкан намоёниси Абдурахмон Жомий иккинчи мероси Ўзбекистонда ҳам тадқиқ этилмоқда. Бундай жиддий изланиш натижасида «Жомий ва ўзбек адабиёти» деб номланган илмий тўплам юзага келди.

Ўзбекистон шарқшунос олимларининг Жомий ва ўзбек адабиёти масаласига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуман материаллари яқинда чоп этилган ана шу китобдан ўрин олинди.

Эрон ислом республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маънавий ишлар бўлими ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамкорлигида босмага тайёрланган бу янги нашр Жомий бадиий ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аҳмад АББОСОВ



*Наврўз нашидаси*

**КЎТАРИНКИ РУҲДА**


Кўнгилларга кўтаринкилик, оилаларга файзу тароват, ўлкамизга яхшилик ва эзгу ниятлар билан кириб келган янги кун — Наврўз шукуҳи ҳали ҳамон юртимиз узра кезиб юрибди.

Хозирда шахримизнинг барча олий ўқув юртлари, билим масканлари, мактабгача таълим муассасаларида ушбу айёмга аталган рангбаранг тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири Акмал Икромов туманидаги «Камолот гунаҳлари» номида 453-боғча-мактаб мажмуасида ҳам бўлиб ўтди.

Боғча ховлисида ўрнатилган дошқозонларда ош дамланиб, байрам дастурхони безатилди. Тадбирда боғча-мактабнинг ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказил-

ди. Болалар ўзлари ясаган варракларини ҳавога учуриб, ким узарга мусобақалашди.

Шунингдек, байрамда болажонлар Наврўзи оламга бағишлаб ёд олган шеърлари, ўрганган рақс ва кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Бу эса байрамнинг янада фойзли ва жозибали ўтишига катта ҳисса қўшди. Тадбир сўнггида болажонларга байрам совғала-



ри улашилди.  
**Орзуғул РУСТАМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** байрам тадбиридан лавҳалар.

**«ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР-2005»**

Маълумки, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намойиш этадиган энг қадимий, ардоқли, асл миллий байрамимиздир. Шунинг учун ушбу байрамни ёш-қари қалбда кувонч ва ишонч билан нишонлайди.

Минг йиллар давомида эъвозланиб келаётган бундай байрамни қадрлаш, унинг ноёб хислатларини оламга таратиш ва кўз-кўз қилиш бугунги кун ёшларининг ҳам эзгу ниятларидан биридир. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган Наврўз байрами, унда иштирок этган ёшлар миллий гуруҳ ва меҳмондустлик хислатларини намойиш этишгани эртанги кунга катта ишонч ва умид уйғотади.

Ёшлар ўртасида байрам тадбирини ўтказишдан асо-

сий мақсад юртимизнинг эртанги кун ишончи ва умиди бўлган ёшларимизнинг ўзбек миллий урф-одатларига бўлган қизиқишларини кучайтиришдан иборат эди. Тадбир ўтаётган жойнинг бир бурчагида катта дошқозонда суякли байрам таоми — сумалак биқирлаб қайнаб турган бўлса, бир томонда байрам дастурхонини турли хилдаги эзбек миллий таомлари безади. Ёшларнинг ўз миллати ва урф-одатига бўлган катта ҳурмат ва эътибори байрамда янграган миллий лапарлар, ўйинлар ва сахна кўри-

нишлари орқали яққол сезилиб турди.

Шунингдек тадбир давомида шаҳар «Камолот» томонидан 11 та тумандаги етакчилар учун турли хилдаги мусобақалар, танловлар ўтказилди. Баҳорни нафис гулларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис кўрик-танлов шартларидан бири «Гул икбаналари» деб аталди. Унда 11 та туман ўз асарларини йиғилганларга намойиш этишди, бирок ҳар бир танловнинг ўз голиби бўлгандай ушбу шарт бўйича 1-ўрин Шайхонтоҳур туман «Ка-

молот»га берилди. 2-ўрин Ҳамза туманига, 3-ўрин эса Миробод туманига қўйилди. Ўзбек миллий таомлари ва пишириқлари кўргазмаси, яъни «Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмон!» шартининг юқори ўрин эгаси Чилинзор тумани «Камолот»и деб топилди, ушбу шарт бўйича 2-ўринни Мирзо Улуғбек тумани, 3-ўринни эса Собир Раҳимов тумани забт этди. Сардорлар ва Етакчилар Кенгаши аъзоларининг ўзбек миллий либослари кўрик-танловдаги натижалар ҳам муносиб баҳоланди. Унга кўра 1-ўринга Юнусобод тумани, 2-ўринга Сергеи тумани ва 3-ўринга Мирзо Улуғбек тумани «Камолот»и лойиҳ деб топилди.

Байрам тадбирида эстрадамиз юлдузлари ҳам мусиқий тўхфалари билан қатнашиб иштирокчиларга бир олам шодлик улаштирди.

**ШОИРА МУҲАМЕДОВА**

**МАҲАЛЛАДОШЛАРГА НАВРЎЗ ТУҲФАСИ**

Ҳар бир байрам арафасида Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида тадбир уюштириш, маҳалла аҳлини бир жойга жамлаб келгуси режалар юзасидан дилдан суҳбат қуриш маҳалла фуқаролар йиғинининг одатий ишига айланган.

Юртимизга ўзгача бир шуқуҳ, тароват ҳамда гўзаллик бахш этиб, кишилар қалбига эзгулик хислатларининг янада жонланишига сабабчи бўлаётган яшариш, янгилиниш айёми Наврўз жорий йилда «Кулолқўрғон» маҳалласи аҳлига ўзига хос туҳфа тақдим этди десак янглишмаймиз. Маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан хусусий тадбиркор Маҳкам ота Қорабоев ҳомилигида ҳашар йўли билан маҳалла чойхонаси қайтадан таъмирланиб фойдаланишига топширилди.

Дарҳақиқат, маҳалла аҳлининг уюшқоқлиги, ҳамжихатлиги туфайли қайта таъмирдан чиқарилган чойхонада маҳалладошлар учун барча қулайликлар мўҳайб қилинган. Ҳатто ушбу гўшада турли хил тадбирлар, юбилей кечалари, тўй маросимларини ҳам уюштириш имконияти бор.

Кун кеча нафосат ва эзгулик тимсоли, яшариш, янгилиниш айёми Наврўз муносабати билан маҳалла фаоллари, ёшлари, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида уюштирилган тадбир янги чойхонада бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга ташриф буорган маҳалладошлар бир пиеъла чой устида, бир-бирларини Наврўз билан кутлаб, дилдан қаҳқоқлашди. Иноғом Мухамедов раҳбарлигидаги кўшиқчилар дастаси томонидан янграган куй-қўшиқлар эса кеча фойзига фойз қўшди. Қувонарлиси, маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг қирқ нафар фарзандлари Тошкент Давлат циркига борадиган бўлишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Республика Миллий матбуот марказида рақамли ривожланиш ташаббуси БМТнинг Тараққиёт дастури (ТД) ва Ўзбекистон ҳукумати қўшма дастури яқунлари ва мазкур дастур доирасида чоп этилган янги нашрлар тақдими ўтказилди. Унда турли вазирликлар, қўмиталар ва ахборот коммуникация соҳасида фаолият кўрсатувчи кампанияларнинг вакиллари иштирок этишди.

**ДАСТУР ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ**

Рақамли ривожланиш ташаббуси БМТнинг Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон ҳукумати қўшма дастури ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган эди. Ҳукумат томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ижро этувчи орган сифатида белгиланган. Ушбу дастурнинг бош мақсади мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг афзалликларидан фойдаланишни таъминлашдан иборат. Дастур ўз фаолияти доирасида давлат муассасалари раҳбарларининг ахборот коммуникация технологиялар бўйича билимини ошириб, республиканинг электрон тайёрлигини баҳолаш ҳамда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш

бўйича турли лойиҳаларни амалга татбиқ этишдан иборат эди.

— Шу билан биргаликда дастур доирасида айни йўналишда қонунлар қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишда мамлакат ҳукумати-га яқиндан ёрдам берди, — деди дастур раҳбари Шерзод Шерматов. — Ҳар йили дастур томонидан Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг объектив таҳлили олиб борилади.

Мазкур дастур ўз фаолияти давомида 14 та йўналиш бўйича иш олиб борди. Шунингдек, анжуманда дастур доирасида нашр этилган бир неча китоб ва плакатлар тақдими ҳам ўтказилди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

Хаваскор боғbonлар, Сизлар учун!

### ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади", деган нақб бор. Лекин бутун боши боғ бунёд этганининг ўзи бўладими? Бунинг учун неча йиллаб тер тўкиб меҳнат қилиш керак. Бир сўз билан айтганда, ёш болага қандай парварниш лозим бўлса, ниҳолларни ҳам ана шундай парварниш-лаш даркордир.



Узбекистонда мевали ва резавор-мевали ўсимликларнинг 70 тури ўсади. Мевали дарахтларнинг нормал ўсиши ва тўғри ривожланиши кишидан катта меҳнат талаб қилади. Бу боралаги агротехник тадбирлардан дастлабкиси — мевали дарахтларга шакл беришдир. Маълумки, республикамизда кўпчилик мевали дарахт турларига паст танали шакл бериш усули кўпроқ қўлланилади. Марказий танادا асосий шохларнинг жойлашиш характерига қараб шох-шаббаларга ярусли, косасимон, сийрак ярусли, бутасимон шакл берилди. Мевали дарахтларга танасидан 80-100 сантиметр баландлиқда, баланд танали дарахтта 150-200 сантиметр баландлиқда шакл берилди.

Кейинги йилларда сийрак ярусли шакл бериш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усулда дарахтда тананинг турли томонларида бирин-кетин жойлашган 5-8 та асосий ва битта-иккита қўшимча шох қолдирилади, асосий шохлар орасида тана бўйлаб оралиқ қолади. Бу — шохларнинг танادا мустақам ўсишини таъминлайди, шох-шабба жуда қатинлашиб кетмайди.

Буташ, шох ва новдаларини қисқартириш ҳамда шох-шаббани сийраклаш билан дарахтларга шакл берилди. Қисқартириш усули қўлланилганда, шу йили ўсган новдаларнинг ёки кўп йиллик шохларнинг бир қисми кесиб ташланади. Шох-шаббанинг ички қисми сийраклаштирилади бўлса, новда, шох ёки бутоқлар асосий танага туташган жойидан қирқиб ташланади. Дарахтлардан янги новдалар ўсиб чиқиши учун эски ва қурган шохларини кесиб ташлаш лозим. Бу ўз навбатида ўсимлик ҳаётини узайтириш ва ҳосилни тиклаш усулларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик боғbonлар 20-25 йиллик олма, нок, 10-15 йиллик ўрик, гило, олхўри ва олча дарахтларини турли усулда ёшартирадилар. Дарахтларни ёшартирининг уч-тўрт усули бўлиб, уларга енгил, кучли ҳамда бутате ёшартириш усуллари кирди. Енгил ёшартиришда асосий шохлар қулай томонга ривожланган ён шохларнинг учидан, кучли ёшартиришда эса асосий шохларнинг учдан икки қисми кесиб ташланади. Бунда келаси йили бир нечта

ўсаётган ернинг ҳар бир квадрат метрига 5-6 килограмм чириган гўнг ёки минерал ўғит арашмаси солиб, қондириб сугорилади. Тўғри ёшартirilган дарахтлар яна 10-15 йил, ҳатто бундан ҳам узоқ йил ҳосил беради. Бундай соғлом дарахтдан ширин-шакар мевалар териб истеъмол қилиш мумкин. Узоқ умр кўришликнинг асосий омилларидан бири бўлмиш мевали дарахтларни кўпайтириш ва уни парварнишлаш ишлари асосан баҳор ва куз ойларида олиб борилишини унутманг.

биатнинг саҳийлигини қарангки, ўлкамиздаги шифобахш булоқлар, хушқуд, хушманзара жойларни санаб адогига етиш қийин. Лекин баъзан бундай муқаллас жойларнинг қадрига, бебаҳо эканлигига етарли эътибор бермаслигимиз сабабли улар айрим ҳолларда ифлослан-тирувчи, захарли моддалар билан нобуд қилинади.

Ҳар бир тирлик жон ўзидан насл қолдириш учун курашади. Эрта баҳорда табият ола-нига назар ташласак, башарининг янгидан туғилаётганини, қўшларнинг ин ясаҳ учун ҳас-лани ташитганини, асарларнинг гўлдан гулга кўниб бол-латиб, уясига олиб келатганини кўрамыз. Инсон эса табият мавжудотлари ичида энг ақли-лиси, онглисидир. Шундай экан, инсон табиятни муҳофаза қилиш, кўриқлаш, асраш, унга зарар келтирмасдан табиятнинг экологик қонун-қоидалари йўналишида иш тутиши лозим.

Д.СҲАТОНОВА.

Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида кўмитага фуқаролар томонидан тушган шикоятларга асосан жойига қилганда баъзи мутасадди ташкилот раҳбарларининг ўз хизмат вазифасига совуқ-қонлик билан муносабатда бўлганлиги сабабли биргина Чилонзор туманидаги 3 та уй-жой мулкдорлар ширкати ҳудудида ободонлаштириш ишларини олиб бориш нибобида соғлом дарахтлар кесилганлиги аниқланди ва ҳужжатлар чора кўриш учун шаҳар прокуратурасига тақдим этилди. Масалан, Чилонзор туманидаги «Д-20 Наврўз» уй-жой мулкдорлари ширкати (директори С.Г.Рашидов) — 27-уй олдидagi ҳудудда ноқонуний равишда 2 та диаметри 53,72 сантиметр бўлган чинор ва 1 та диаметри 53 сантиметр ясеъ дарахтларини кесиб ташлаб ҳудуддан олиб чиқиб кетганлиги аниқланди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси «Ўсимлик дунёсини химоя қилиш ва

### ДАЛОЛАТНОМАГА ЭГА БЎЛИШ ШАРТ

Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш кўмитасига туман ҳудудларидаги яши деворларни, таги билан кесилиши, дов-дарахтларга ишлов бериш жараёнида соғлом дарахтларнинг кесиб ташланиши, шох-шаббаларнинг ёкиб юборилиши кўплаб фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси ва 1-ошкент шаҳар ҳокимининг 1994 йил 22 мартдаги 112-Ф сонли фармойиши кўпол равишда бузилган. Табиатга 2220200 сўмлик моддий зарар етказилган.

Чилонзор тумани, 3-даҳадаги «Катта Чилонзор Уч-Бетта» уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли 34 ва 35-уйларнинг атрофидаги ҳудудда дарахтлар шохларини кесиб, уларга агротехник ишлов ташлаб ишлари амалга оширилган. Бу ишлар Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан олиб борилган. Да-

нинг ўсимлик дунёсига 2435691 сўмлик зарар етказган.


Чилонзор тумани, 6-даҳадаги «Халқлар Дўстлиги коммуналчи» Уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли 54 ва 51-уйлар орасидаги ҳудудда 4 дона диаметри 23 сантиметрдан 38 сантиметргача бўлган ясеъ дарахтлари кесилиб табиатга 613820 сўмлик зарар етказилган.

Шаҳар табиятни муҳофаза қилиш кўмитаси шуни эслатиб ўтишни лозим топдики, туман ободонлаштириш бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қорхона ва ташкилотлар дов-дарахтларини кесиб учун қонуний далолатномага эга бўлишлари шарт.

Ш.АБДУЖАЛИЛОВА, Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш кўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини химоя қилиш гуруҳи раҳбари.



№ 3(155) Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



### Неъматлар

#### КўКАМ ГИЁҲИ

Баҳорнинг жонга дармон бағишловчи кўкатлари орасида ялғиз ўзининг шифобахш ҳислатлари билан алоҳида ажралиб туради. У қадим замонлардан бери халқ табобатида кенг қўлланилиб келинади.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ялғиз билан ичак оғриқларини даволаган. У овқатни ҳам қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи, қайд қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган. Ялғиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган киём қўвчиққа, ўсимлик шираси эса сарик касалига фойдали ҳисобланади. Уй шароитида ялғизли қайнатма тайёрлаш учун қуритилган ялғиздан 5 грамм, агар сар-

хил бўладиган бўлса 20 грамм миқдорда олиниб 200 грамм сув билан 15 дақиқа енгил аланга устида қайнатилади, сўнгра сузилиб шарбатидан қунига 2 маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Ялғиз кўкатидан ошкўк сифатида қуяқ, суюқ таомларга зеб бериш мумкин. Ундан айни баҳор паллаларида кўклати сомса ва чучваралар тайёрланиши инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

### Корхоналарда

#### ТАДБИРЛАР — АМАЛДА

манба 162 та, шундан 135 таси, ташкилий равишда 72 та манба ЧТУ билан жиҳозланган. Меъёрий лойиҳа ҳужжатининг муддати кўмитаниннг 02-622 сонли хатига асосан 2006 йилгача узайтирилган. Ифлослантирувчи моддаларни атмоферага чиқариб ташлаш учун 8-сонли рухсатнома олинган. Унга амал қилиш муддати 2006 йил 8 июнгача белгиланган. Ифлослантирувчи моддалар миқдорини назорат қилиш ишлари қорхонаниннг махсус лабораторияси томонидан олиб борилади. Текшириш натижаларини қайд қилиш журналлари юритил-

ган. Текшириш режа жадвали кўмитада тасдиқланган. Ҳозирги кунда қозонхона ишламайпти. Қорхона сувни ҳудудида жойлашган 3 та атрезина кудуғидан олиб ишлатади. Олинган сувдан хўжалик эҳтиёжлари ва ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Сув-иҳаси 2003 йилда ишлаб чиқилган ва кўмитада тасдиқланган. Манший чиқиндилар 287-шартнома асосида олиб чиқилади. Қорхона тарафидан компенсация тўловлари ўз вақтида кўмита фондига тўланган. А.РАСУЛОВ, кўмита позир.



### ДАРАХТ МАЛҲАМГА МУҲТОЖ БЎЛСА

Қулар исиб кетиши билан айрим дарахтларнинг қишдан шикастланиб чиққанини кўриш мумкин. Бунинг аломатлари асосан дарахтларнинг пўстлогида намобн бўлади. Шикастланишнинг сабаби киш давомида совуқ уриши, шамол натижасида дарахт шохларининг бир-бирига ишқаланиши, айрим ҳашаротларнинг дарахт танасига ин қуриб олиши ва ҳоказолардир. Агар дарахт шохини совуқ урган бўлса намликка кўпроқ эҳтиёж сезади, шунинг учун бундай пайтда табиий ўғитни суолтириб, уни сув билан сугориш лозим. Совуқ урган шох пўстлогини шилиб ташлаб, унга оч қизил тусли марганцовка суюқлиги сепилади, сўнгра лой чапланади. Яра тезроқ битиб кетиши учун уни бўз мато ёки ёмғирдан сақлаш мақсадида плёнка билан ўраган маъқул. Дарахтни зарарли ҳашаротлардан тазолаш ҳам асосий юмушлардандир. Чунки қуёш қиздириши

билан улар ўз уяларидан чиқиб қуртаклар, гўнчалар, ёш барглarga «хужум» қила бошлашади. Бундай пайтда касалманд, нозик новдаларни кесиб ташлаш, ҳашаротлар уя қурган жойдаги пўстлогини шилиб, уларни ёкиб юбориш лозим. Сўнгра 50 даража иссиқликдаги қайноқ сувни тазаланган жойларга сепиш керак. Агар зарарли ҳашаротлар кўп бўлса уларни махсус кимёвий воситалар ёрдамида йўқотиш тавсия этилади. Хусусан, олма ва нок дарахтлари учун 10 литр сувага 200 грамм нитрофен моддаси солинган эришма ишлатилади. Замбуруғли касалликлардан асраш учун дарахтларга хар тўрт йилда бир марта 10 литр сувага 500 грамм темир қуни солинган аралашма сепаган маъқул. Олча ва олхўри дарахтлари учун эса темир купороси моддаси 300 граммга қамайтирилади, нитрофен миқдори эса ўзгартирилмайди. Шундагина ёз ёки кузда сархил мўл ҳосил олиш мумкин.

### Илганиш

#### МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН

Республикамизда поливинилхлорид (ПВХ) композицияси асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб кўчили эканлиги сир эмас. Лекин бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун унинг кимёвий таркибига эътибор қилишга, яъни атрофмуҳитга қандай зарари тегиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишга тўғри келади.

Шу мақсадда канализация ва водопровод қурувлари ҳамда безак учун ишлаб чиқариладиган рейкаларнинг таркибида анганавий зарарли моддалар — қўроғинли бирикмалардан фойдаланиш ўрнига маҳаллий чиқиндилардан тайёрлаш устида бир қанча илганишлар олиб борилди. Натижалар эса ижобий бўлиб, одатда қўлланилиб келинаётган ишчи стандарт таркибдан деярли фарқ қилмади ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳам сақлаб қолинди.

Таркибдаги бетонит белгород бўри тўлдиргич сифатида қўлланилган бўлиб, у маҳаллий хом ашё ҳисобланади. Бундан ташқари, ўта зарарли бўлган уч асосли қўроғошин сульфати (УАКС) ўрнини экологик жиҳатдан зарарсиз бўлган хом ашё билан тўлиқ алмаштиришга эришилди.

Илганишлар натижасига кўра, шундай ҳулосага келиш мумкинки, четдан келтирилган қимматбаҳо ҳамда ўта зарарли бўлган УАКС стандарт ишчи таркибдан олиб ташланиб, унинг ўрнига маҳаллий хом ашё ҳисобланган сода-кукун ишлатиш йўлга қўйилди. Бетонит эса ПВХ композицияси таркибидagi белгород бўри ўрнида ишлатилиши мумкин. Бу қилинган ишлар ўзининг долзарблиги билан экологик ва иқтисодий ҳамда амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, бундай муаммоларни ечиш ҳозирги кунда изланиш олиб бораётган ёш олимлар ва шу соҳа мутахассисларининг олдида турган долзарб вазифалар.

А.КАЛИМБЕТОВ, Юнусобод тумани давлат позир.

### Мушоада

#### ҲАР БИР ИНСОННИНГ БУРЧИ

Инсон яралиб, ўзлигини танибдики, ўзи яшайдиган шароитга, муҳитга мослашиб ҳаёт кечиради, умргузаронлик қилади. Табиат — ҳаёт бешиги, инсон яшайдиган муҳитдир. Инсон табиий муҳитдан ташқарида яшай олмайди. Инсоният ўз тараққиётининг илк босқичларидан бери табиятга бўйсунарди, эндиликка эса табиятни ўрганди, кўрди, унинг инжиқликларини ўзига бўйсундирди. Табиат яратган бебаҳо ҳазиналардан берафқ фойдаланди. Илмий техника тараққиёти асрида атроф-муҳитнинг мувозанати бузилиши, табиятни асраш бутунжаҳон афкор оммасининг инсоний бурчидир. Жамиятимизда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдек муҳим ишларда қайта қуриш бошланди. Табиийки, инсонни қуришаб турган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг музаффолиги

Биласизми?

**«ЯПОН МЎЪЖИЗАСИ» ЯНА НИМАЛАРГА КОДИР?**

Барчага маълумки Япония иккинчи жаҳон урушидан сўнг қаттиқ сиёсий ва иқтисодий талафот кўрган, ахvoli танг мамлакат эди. Бироқ ушбу давлат қисқа давр мобайнида дунёда энг тараққий этган мамлакат даражасига кўтарилди. «Япония мўъжизаси» номи оланг ушбу ҳолат барчани хайратга солди.

Айни пайтда Япония АҚШдан сўнг иккинчи ўринда, баъзи соҳаларда, масалан кема-созлик, транзисторли радио-приёмниклар, целлюлоза толаси, автомобиллар ичида эса биринчи ўриндадир. Жон бошига махсулот ишлаб чиқариш бўйича эса АҚШдан ўзиб кетди ва жаҳонда Швейцариядан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди. Япония қандай қилиб шу қадр ривожланиб деган савол туғилиши табиий ҳол. У 1946 йилдан бошлаб бозор муносабатларини жорий эта бошлади. Қайта қуриш йиллари иқтисодиёт давлат назоратида эди, ҳозир давлат назорати анча сусайган. Бозор иқтисодиётига ўтишда Япония АҚШ тажрибасини кўлади, лекин бошқа давлатлар тажрибасини ҳам инкор этмади.

Япониянинг географик ўрнига эътибор берадиган бўлсак, унинг ҳудуди 4 мингга яқин оролни қамраб олган, шунинг учун Япония фойдали қазилмалари кам мамлакат ҳисобланади. Масалан, унинг бир йилда қазиб чиқарадиган нефтини АҚШ ярим кунда қазиб чиқаради. Япония энергиянинг 81 фоизини, нефтининг 99,7 фоизи, темир рудаси ва бошқа рангли металлларни импорт қилади. Япониянинг саноатида сотиб олинган хом-ашёни қайта ишлаш ҳамда яратилган махсулотни экспорт қилиш устуникка эгадир. Япония асосий диққат эътиборини саноатга жаҳон иқтироларини тадбиқ этиш, уларни доимо такомиллаштириб боришга, яъни техника-технологиядан фойдаланишга қаратди. Ҳозирда унинг саноати ҳижозларининг 2/3 қисми энг янги техникага тўғри келади. Бунда улар сарф-харажатларни камайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига иқтисодий ўсишга эришдилар. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, яқин пайтгача ҳам Япония ҳарбий соҳада сарф-харажати кам бўлганлиги унинг маблагини, ҳўжаликни ривожлантиришни кўпайтиришга имкон берди.

«Япон мўъжизаси»сининг яна бир кўриниши балиқ овлаш — Япония ҳўжалигининг муҳим тармоғи. Балиқ овлаш жиҳатдан Япония дунёда биринчи ўринда туради. Японлар овқатида балиқ, бошқа денгиз ҳайвонлари махсулотлари катта ўрин тутади.

Жаҳон яқли миллий махсулотининг 14 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади (2-ўринда). Бунда транспорт муҳим ўрин тутади. Японияда қуруқликдаги транспорт ҳам, денгиз транспортти ҳам бирдари ривожланган. Тинч океани қирғоғи бўйлаб кетган йўл Хонсю оролидан Кюсю оролига Симоносёки қўлтиги тағдидаги туннель орқали ўтади. Цугару бўғози остида дунёдаги энг узун (54 км) туннель қуриляпти. У Хоккайдо оролини Хонсю ороли билан боғляпти.

**Саняя МАХМУДОВА,**  
Тошкент молия институти талабаси.

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

**ҚИРҚ ЙИЛДАН КЕЙИН**

1965 йилнинг эрта баҳори. Тошкентдаги 90-мактабни битирувчи синф ўқувчиларимиз. Адабиёт ўқитувчимиз А.Эрназаров дарсдан сўнг йиғиб, академик ёзувчи, шоир Ойбек таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказишни таклиф қилди. Ўқувчиларга «Навий» ва «Қутлуг қон» романи ларидан сахна кўриниши, шеърларидан ёд олишни белгилаб берди. Буни қаранг-ки тақдир тақозоси билан менга «Фанга юриш» шеъри тегди.

Тадбирга ўта жиддий тайёргарлик кўрдик.

«Фанга юриш» шеърини ёдлаб бўлган, биринчи бўлиб, акам Ашрафхонга ёд айтиб бердим. (Улар тиниш белгиларини ўринли ишлатиш, интонация билан ўқишга алоҳида эътибор берардилар. Уша вақтда Низомий номидаги педагогика институтининг физика-математика факультетига 3-курс талабаси эдилар, лекин нима учундир адабиётга жуда меҳр кўйганликлари туйфайли бўлса керак мумтоз адабиётни кўп ўқирдилар).

Шеърлардаги «жабдиқлаб сиз интегрални», «рақамлар денгизи, тубсиз, кирғоксиз» каби сўзларнинг маъноларини тушунмадим.

Акам интеграл от эмас, олий математиканинги йирик соҳаси, уни яхшилаб ўрганишни шеърда таъкидланаяпти, рақамлар денгизи тубсиз, кирғоксиз деганда, натурал, рационал, иррационал каби сонларнинг чегараси йўқлиги, умуман фаннинг поёни бўлмаслиги, инсон онги доимо янги кашфиётлар қилишини тушунтириб бергандилар.

**Келдингиз узокдан,**  
ишчилар, чўпонлар,

**Мақсадингиз буюк,**  
тилақлар порлок,  
Фанлар ўлкасида ошинг довлонлар,

**Чақингиз, бу икс — тотли тош ёнғок,**  
Букун сиз мактабда муодилани  
Ечасиз жиддият ва севги билан.  
Эртаси жабдиқлаб сиз интегрални  
Кечасиз фанларнинг

тилсимларидан.  
Мактабда математик тенгламаларни ечишга ўргатган устозларимиз Ғуломназар Жўраев, Мирзахон Алиев ҳамда бошқа устозларнинг сабоқлари кўз ўнгимдан кино лентасидай ўтди. Чунки шеърдаги муодила сўзининг маъноси тенгламадир.

Кейинчалик, ҳақиқатан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультети талабаси бўлганидан сўнг шеърнинг мазмун-моҳиятини янада кенроқ англаб етдим.

Орадан 40 йил ўтди. Устоз Ойбекнинг тўлиқ асарлар тўпламини ўқиб чиқарканман, устоз ижодидаги тасаввур ва тафаккурнинг ўта чуқурлиги, ўз даврида ўзбек шеърини оламга янги тушунча, янги дунёқараш, илмийликни олиб кирганлигининг ғувоҳи бўлдим.

**Рақамлар денгизи тубсиз,**  
кирғоксиз,  
Икснинг сирини билган адашмас.  
Э, кеча далада ўғир туйган қиз  
Фикрни ўткирла, қил уни олмос.  
Ойбек ўз давридаги фанлар тараққиётини тасаввур қилибгина қолмай, балки,

тез муддатда кўп тармоқли вужудга келишини башорат қилган десак адашмаймиз. Чунки устоз Ойбекнинг таржimai ҳолини ўрганар эканмиз, академик бўлишлари билан бир қаторда, турмуш ўртолқини Зарифа оланинг, фарзандларининг фанга кўшган улкан ҳиссаларидан фанга бўлган ихлос ва иштиёқлари баланд эканини билиш қийин эмас. Фандаги мавжуд муаммоларни фақат жиддий ўқиш, ўрганиш, изланиш орқали ечиш мумкин эканини мазкур шеърларида тушунарли баён қилганлар:

**Фан йўли — оғир йўл, тошли йўл, тор йўл,**  
Сиз арслон ҳамласи билан ошингиз.  
Сиз меҳнат эрлари,  
кучларингиз мўл,  
Китоблар қоясин,  
жойлар бошингиз.

Ойбек домланинги ёшларни замонавий илм олишлари, техника билан жиддий шуғулланишлари, фанда муайян бир ютуққа эришиб, тўхтаб қолмасликни тарафдор этганлари қуйидаги мисраларда баён этилган:

**Эй, эркин қишлоқнинг йигит-қизлари!**  
Техника қалбида бу икс-игрек  
Формула — ёнғуви шу электрик,  
Тирмашгин фанларнинг

юксаги сари.  
Мазкур шеърнинг ёзилми тарихини ўрганар эканмиз, у 1931 йилда битилган бўлсада, ундаги руҳ ёшларни фанга, техникага, янгиликка, интилишларга худди бугунги ва келгуси авлодларга атаб айтилгандай, хайратга тушади киши.

**Акрам АКМАЛОВ,**  
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент



Ўзбек читгарлиги ўзига хос бадий кўриниш ва аниқ услубига эгаки, у ишлаб чиқариш жойига қараб ажратилади.

Музейларда

**ЧИТГАРИК ВА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРАЛИГИ**

Читгарлар (босма усталари) қўдалик фойдаланиладиган буюмлардан чойшаб, дастурхон, парда, тахмончеп, чимилдик кабиларни ишлаб чиқаришган. Кийимлари ўраш учун бўча ва бўчапечлар, кўрпачаларни ўраш учун катта чойшаблар - бўжомалар нозик нақшлар билан безатилган бўлиб, уларга ахтиёб ҳам катта эди. Бундан ташқари босма нақш билан жойнамозолар, турли хил шарф - сарфугталар, белбоғлар ва от учун ёпич - елгўш, жуллар безатилган. Ҳар бир махсулот учун махсус - чойшаб ишлаб чиқариш учун кўрпа қолип, дастурхон учун эса дастурхон қолиплар қўлланилган. Фарғона водийсининг таниқли астарчи усталари кийим-кечак тикишга метрлаб ўлчанадиган босма газламалар ишлаб чиқариш билан машхур эди.

Гул бошиш махсулотларининг асосий маркази Бухоро ва унинг яқинидаги қишлоқлар ҳисобланган. Айника Жондор, Ғиждувон, Читгарон, Вардонзе, Рометан каби жойларда ажойиб донали босма махсулотлар ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари Самарқанд, Ургант, Фарғона ҳам шу санъат тури маркази ҳисобланган. Тошкентда эса асосан метрлаб ўлчанадиган читгарликлар тайёрланган. Хоразм бадийи босмалари эса ўта нозик нақшлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи коллекциясида Ўзбекистоннинг турли хил вилоятларидан йиғилган юздан ортик босма матолар ва бир ярим мингга яқин қолиплар мавжуд.

Шунингдек, анъанавий колоритга эга читгарлик билан бир қаторда Тошкентда ҳам миқдорда яқин, сарик, бинафша ранг ва кўк ранглардан иборат бўлган кўп рангли читгарлик махсулотлари ишлаб чиқарилади.

Читгарлик махсулотларининг тайёрланиш жараё-

ни ниҳоятда мураккаб бўлиб, босма нақш техникаси ўзига хос меҳнат талаб этади.

Нақш ёғоч қолиплар ёрдамида танин эритмасида қўлда сингдирилган махсус тайёрланган матога босилади.

Қўшимча ранглар — яшил, кўк ва сарик тайёр қайнатилган махсулотга алоҳида қолиплар ёрдамида туширилади. Шунингдек ҳарви ранг нақшлар билан матолар ишлаб чиқаришган.

Кўрғазмада Абдуғофуровлар оиласининг усталари Абдурахим Абдуғофуров, унинг ўғли Абдуҳажим Абдурахимов ва набираси Абдурашид Раҳимовлар томонидан тайёрланган читгарлик намуналари намойиш этилган.

Гул бошиш санъати соҳасининг ҳақиқий расмони, кекса ўзбек читгари, халқ устаси Абдурахим Абдуғофуров (1867-1950) эди. Угли билан биргаликда у аввал кам тарқалган кўп рангли босма нақш услубини ишлаб чиқди ва бир қатор қизқарли ва ўзига хос асарларни яратди.

Читгарликнинг қадим анъанаси ўтган юз йилликнинг 80-йилларида пайдо бўлган ва ҳозирги кунга қадар қизқиқли уйғотиб келмоқда. Замонавий читгарлар анъанавий мотивлар ва кўрпа усталар техникасидан фойдаланган ҳолда янги матолар яратмоқдалар. Бу гўзал беазли кийим-кечакларни яратиш ва қўл читгарлиги усталари томонидан йиғилган бадийи меросдан фойдаланиш имкониятини бермоқда.

**Гулором ҲАМИДОВА**  
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат санъат музейидан ўрин олган читгарлик санъати намуналаридан лавҳалар.  
Наталья Семёнова олган суратлар.

Мубоёит

**ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВ**

Шаҳримизда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ҳар хил тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Яқинда 6-оилавий поликлиникада «Сиз ҳамisha хўрматдасиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Кечага мазкур шифо масканида 25-30 йил ишлаб кетган фахрийлар таклиф қилинди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди 6-оилавий поликлиника бош шифокори Феруза Юлдашева, — халқимиз соғлиғи йўлида беминанат хизмат қилиб, бугунги кунда қарилмак гаштини сураётган нафақадаги нурунийлар билан юзма-юз учрашиш улардаги билим, тажриба, меҳоратни бугунги ёш тиббиёт ходимларига етказиш ва улар билан доимий равишда алоқа боғлаб туришдан иборатдир. Зеро, кексаларни қадрлаш, улуғлаш бизнинг ўзбекона бурчимиздир.

Биз айрим тадбир қатнашчиларини суҳбатга тортидик

**Карима АЛИМЖОНОВА:** — Мен шу поликлиникада 35 йил меҳнат қилдим. Инсонларнинг соғлиғи учун доимо қайғуриб келганман. Илоҳим ҳеч ким бетоб бўлмасин. Шифокор ҳамisha элнинг қайғуси билан ҳар қандай дардига малҳам бўлиб яшаш керак.

**Фатхулла ДҮСМЕТОВ,** кардиолог: — Ушбу тадбирни уюштирган шифоҳона раҳбарига раҳмат. Биз нафақадурларни эъзозлаб, ёслаб, бу ерга қачирганларидан рости худаям хурсанд бўлдим. 25 йил шу маскандда ишладим. Бу улғу дарғоғ мен учун азиз.

Шунингдек кечада тумандаги Хуршид, Ҳамза маҳалляларининг кам таъминланган оилаларига совғалар улашилди. Нозу неъматлар билан безатилган дастурхон атрафидаги мулоҳоза, мунозара ва қизқарли суҳбатлар барчанинги кўнглини чоғ этди. Шифокорларни наҳот фаршлатари дея таърифлаймиз. Улар инсон учун энг катта бойлик — соғлиқни муҳофаза қиладилар. Истардики, шу соҳа вакиллари эғниларидаги оппоқ халатга ҳеч қачон доғ туширмадилар.

**Гулҷехра ДУРДИЕВА**

# Ошля даврасида сўхбатлар



## АҚЛ—БЕБАҲО НЕЪМАТ

- Ақл билан ҳаё энг яқин ва ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди.
- Дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чикармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақ-хуқуқини билмоқ — қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир.
- Истеъдод, ақл-идрок эса икки хилдир: бири — табиий, яъни, онадан тугма бўлиб, иккинчиси — касбий, яъни тажриба воситаси билан эришилган бўлади.
- Ҳар ким табиий ақл-идрокка эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса у ўз орзусига етади.
- Фейъл-атворлари унча яхши бўлмасида, аслида ақлли бўлган одамлар билан майли дўстлаш, уларнинг ақл ва камолидан, билим ва тажрибасидан баҳра ол. Лекин ёмон қилиқларини ўрганма.
- Олам турғунча, одам ўлгунча ақл, билим ва иш ўрганади.
- Илм — ақлнинг баҳоси йўқдир, Ҳар балога тенги йўқ ўқдир.

## Ҳаёт сабоқлари

### АЁЛНИНГ САРИШТАСИ — ОИЛАНИНГ ФАРИШТАСИ

Тонг саҳарда уйғонган Қарим ота ҳовлига ўтказган янги гул кўчаларини парваришлаб, тағларини юмшатишга киришди. Илгари ҳовлилари қандай файзли ва саранжом эди. Раҳматли кампир ҳаётлигида баҳор келиши билан биргаллашиб ҳовлига кўчат ўтказиб, ҳовлию кўчаларини гулзорга айлантиришарди. Уғли Боситжон ишга эрта кетиб кеч келарди. Келини Милоҳат эса икки фарзанди билан овора. Бунинг устига беғам, дангаса. Неча марта насиҳат қилиб галирди. Ҳовлию кўчаларини эрта тондан орасалаш керак, файз-баракат кирди, деб тушунтирди. Лекин уйда эрка бўлиб ўсган Милоҳат хушига келганда ҳовли, кўчани сугуриб-сидиради, хохлама-са йўқ. Ҳовлидаги гул кўчаларини

парваришлаш, сугуришниқу ўйла-майди. Яхши ҳам қайнотаси бор, бу юмушларни бажариб ҳовлига файз киргатади. Шундан кунларнинг бирида Қарим ота бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Боситжон ишдан сўраб икки-уч кун отасининг ёнида бўлди. Керакли дори-дармонларни келтириб, унга парвона бўлди. Милоҳат эса болалари билан андармон бўлиб, телевизор кўришдан ортмайди. Бир кун эшик кўнжироғи жиринглаб қолди. Милоҳат қараса отаси, онаси ва акаси кириб келиштиради. У суяниб бориб уларни қарши олди. Дарҳол уйга таклиф қилиб дастурхон ёзди. Ота-онаси Милоҳатдан ҳол-аҳвол сўрашиб, қайнотасини кўрган касалхонага боришганилигини,

йўл-йўлаккай уни ҳам кўргани келишганини айтишди. — Қизим, қайнотангни бориб кўриб, иссиқ-совуғидан хабар олиб турибсанми, ишқилиб, — деди отаси Милоҳатга хиддй қараб. — Ҳа, бир марта бордим, болалар билан ўраллашиб боролмагям. Босит акамлар ҳар кун бориб турибдилар — деди Милоҳат хижолатомуз. — Боситжон бошқа, сенинг йўлинг бошқа, болаларни қўшишга ташлаб бўлса ҳам бориб туришинг керак, қизим. Кекса одамни ёлғизлатиб қўйманглар, — деди онаси. Мехмонлар кетишга ҳозирланиб ҳовлига чиқушдию атрофни кузатиб бироз туриб қолишди. Милоҳат буни сезди. Негаки ҳовли қаровсиз, кеч

кирган бўлса ҳам сугуриб-сидирилмаган, сув сепилимаган эди. Болалар ҳали ёш, ҳовлида уйинюклар ҳар ерда сочилиб ётарди. Ҳовли ўртасида кичик велосипед, нарироқда эса ҳар хил катта-кичик ёғочлар, хойнаҳой болалар ўйнаб сочиб ташлашган бўлса керак. Янги ўтказилган райхон ва гул кўчалари эса қаровсизликдан сўлиб, баъзилари кўриб ётибди. — Эссиз...эссиз, ҳовли қаровсиз қолибдику қизим, — дея у ёқдан бу ёққа юра бошлади Милоҳатнинг отаси. — Ахир ҳовлига қараб орасаллаб ўтирсанг бўлмайдингми? Гулларнинг аҳволига ачинмайсанми? Боситжон ишда бўлса, сен уйдасанку. Уят. Ақлу ҳушингни йиғиб ол қизим, сен шу уйнинг бекассан. Келиннинг сариштаси — оиланинг фариштаси дейдилар. Бу вазифаларни сендан бошқа ким қилади. Бундан кейин ҳовлини бу аҳволда кўрмай, тушундингми? Милоҳат отасининг танбехларини эшитиб ҳажолатдан бошини эгди. **Дилором ИКРОМОВА**

## Қитоб — оқитоб

### ҚАДРСИЗЛАНГАН ХАЗИНА

Инсон эзгу ишлар учун туғилади, деб бежиз айтмаган халқимиз. У дунёга келибдики, яшаш дарсини ўқиб келган ва шу кунгача бу дарс хали тугамаган.

Берилган умрни фойдали ишларга: илм олиш, меҳнат қилиш, ҳунар ўрганишга бағишлаган инсонгина бу дарсни "аъло" баҳо билан ақунлаган ҳисобланади. Ҳаёт илмини англаш учун эса инсоннинг энг яқин дўсти — китоб ёрдам беради.

Китоб — хазина, билим — бойлик. Ана шу хазинадан тўғри ёки нотўғри фойдаланиш билим эгасигагина боғлиқ. Киши қанча кўп китоб ўқиса, унга меҳр билан қараса ундан бой инсон топила-мас керак. Чунки, моддий бойликдан кўра, маънавий бойлик минг марта афзал.

Лекин сўнги пайтларда бунинг акси бўлиб чиқмоқда. Жамиятимизда китобга бўлган эҳтиёж тобора пасайиб бормоқда. Илгари-лари фақат кутубхона ва китоб дўконларидан топиш мумкин бўлган китоблар, бугун қоғоз қабул қилиш пунктларида керак бўлмаган эски қоғоз сифатида, борзодарга зира ва кўчалардаги писта сотув-чиларда ўров қоғози сифатида, ошончалардаги сомасчиларда салфетка сифатида қўлланилаётганига ғувоҳ бўлишимиз мумкин. Китоблар қандай бўлишидан қатъи назар, ишлатиш учун яроқли бўлса бемалол йиртиб унга писта ёки бошқа бирор нарсаларни солиб ишлатаверамиз.

Қоғоз қабул қилиш пунктлари-га борсангиз кутубхона деб ўйлайсиз. Лекин бу ердаги китоблар ўқишга эмас, қоғоз сифа-

тида қайта ишлашга мўлжалланган. Арзон нархларда ҳам сотиб олишингиз мумкин. Яна бир ҳолат. Китобларни кўчаларга олиб чиқиб узун қилиб тахлаб қўйишади. Баъзан кутубхона ва китоб дўконларидан топиб бўлмайдиган китобларни айнан шу ерлардан топса бўлади. Ҳоҳ у жаҳон адабиёти бўлсин, хоҳ ўзбек мумтоз адабиёти. Барча соҳаларга оид, барча жанрларга оид китоблар арзон нархда. 20 сўмдан тортиб 1500 сўмгача. Бу албатта яхши деб ўйлашингиз мумкин. Чиндан ҳам арзон-гина бу китобларни сотиб олиш мумкин. Энг ачинарлиси шуки, уларга харидорлар камдан-кам учрайди.

Ким ўйлабди дейсиз, бир пайтлар "сиёҳи қотмасидан" қўлма-қўл, талаш бўлган китоблар, бугун кўчаларда чанг босиб ётибди.

"Бу китоблар эскирган, ўқишга яроқсиз" деб айтишингиз ҳам мумкин. Китоб эскирса ҳам, варақлари саргайса ҳам, лекин ичидида маъно эскирмайди, саргаймайди-ку!

Арзимаган пулни деб китобларни топшириб юборган ёки сотиб юборган одамлар катта хазинадан воз кенганликларини билармиканлар?

**Улугбек ЁРМАТОВ,**  
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқроқ журналистика факультети талабаси.**

## Шарқ дурдоналари

### 03-03 ўрганиб домо бўлур...

• ХИКОЯТ. Айтишларича, бир ялқов қизни ўзидан ҳам ялқовроқ йигитга турмушга бердилар. Отаси қизига қараб деди: «Мана бу юмшоқ кўрпалар ва жиҳозлардан роҳатланиб, фойдаланиб олинглар, имоним комилки, сизлар юз йил турсаларингиз ҳам камбағалликдан ўзга нарса тўғдира олмай-сизлар».

• Ҳақимларнинг айтишича, шижоат, саховат ва хушқўллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармомасидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичидида хушқўллик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки шижоатга аҳё-аҳёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўла-вермайди, унинг уддасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушқўллик шундай нарсани, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгасидан барча катта-кичик хурсанд бўлади. Бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулоимлик қайтади. Кўпга:

**Абадий саодатнинг калити хушфайлиқдир, Аммо унга баъзилар доим муяссар эрмас!**

• Жамшид ҳам Анушервон каби тўртта узук ясади, унинг ҳар бирига биттадан сўз ёздириб қўйган эди. Биринчи узукда: «Охисталик ва чора» деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирларни топиб қилмоқ керак», — дегани эди. Иккинчи узукнинг кўзига: «Одиллик ва иморат» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва раванқ иморатини тиклаш мумкин», — дегани эди. Учинчи узук кўзига: «Ростлик ва шошилиш» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Дўстларга фақат рост сўзлаш керак», — дегани эди. Тўртинчи узук кўзига: «Жазо ва инсоф» сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Бировни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак», — дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидидаги сўзлар мазмунига оид ишга қўл урганда тақиб олар ва унга жим қараб турар эди.

• Азизим, барча ишда ҳам шошқалоқлик қилмагинки, шошқалоқликнинг зарарлари ниҳоятча ва сабр қилишининг манфаати чегарасиздир. Чунончи айтдилар:

**Мақсад хазинасин калити сабр!**

Ахлоқ китобида келтирилишича ҳар ким ҳодисалар ёмғири остида ўзини сабр қалқони билан ҳимоя этса, мақсад ўқи тездагина мурод нишонига бориб тегади. Чунки сабр шодлик калитидир. Бу калитсиз ҳеч қандай мақсад эшиги очилмайди.

• Азизим, машварат, яъни маслаҳат бу — ақли кишиларнинг кенгаши. Оқил кишилар қаерда бўлишмасин бир муҳим воқеани ҳал қилишга киришсалар, мушкул нарсалар ҳам оқибатда яхши натижа билан тугайди. Бу сўзга маънолар гуҳарининг хазинаси бўлмиш Мавлавий Жалолиддин Румийнинг сўзлари гувоҳдир.

**Мушкул ҳодисани кўрса хирамдан, Бу мушкулдан йўли бўлиб қолса банд. Ўз ақлига ўзга ақлин қилар ёр, Ақл ҳал қилмоққа бўлар мадақдор! Ёлғиз шамдан хона бўлмаса равшан, Бошқа шамлар ёнар яна бу шамдан!**

## Махсий фикр

### ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ

Ҳар қандай тарбияни ёшлиқдан бошлаган яхши. Мамлакатимиз мустақил бўлган кейин бунга ҳар томонлама шароитлар яратилмоқда ва унинг натижалари сезилмоқда. 8-10 ёшдаги болаларимизнинг спорт бўйича жаҳон биринчилиқларида қатнашиши ва олтин-кумуш медаллар билан тақдирланишлари Мустақиллигимиз меvasидир. Санъатда ўзларини кўрсатаётган ёш талантларимиз қанча. Буларнинг ҳаммаси ота-оналаримизнинг ва мураббийларнинг ҳаракати натижасидир.

Маълумки, болажонларимизнинг иқтидорини қанчалик ёшлиқдан, барвақт аниқла-са, тўғри йўналтирилса улардан келажақда яхши мутахассислар, иқтидорли олимлар етишиб чиқади.

Тарихда яшаб ўтган буюк алломаларнинг кўпчилиги 4-5 ёшларидан адабиёт ва санъатни, чет тилларни билишган. Бунга мисол сифатида, Алишер Навоийнинг ёшлиги, Ҳамид Олтамжоннинг бувиси томонидан айтилган эртаклар таъсирининг гувоҳимиз.

**Болалик кунларимда, Ўйқусиз тунларимда,**

#### Кўп эртак эшитардим Сўзлаб берарди бувим.

Шоир Мақсуд Шайхзода ҳам ўз эсдаликларидида 4-5 ёшларидида қулоғига қофия ва оҳанг таниш бўлганини эслаб ўтади. Отаси Маъсумбек ўз даврининг фозил ва ўқимишли кишиси эканлиги ва оиласида тез-тез адабиёт ва санъат аҳлларининг йиғилиши туришлари бунга сабаб бўлган эди.

Ҳозирги бизнинг давримизда ҳам иқтидорли болаларни боғча ва хонадонлардан излаб топишда рушунос-педагог олимларимиз ёрдам берилари керак бўлади. Бу

ҳақда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари раҳнамолик кўрсатсалар иқтидорли болаларни топиб, улар билан махсус мутахассислар алоҳида шуғуллансалар, мамлакатимиздан қўллаб истеъдод эгалари етишиб чиққан бўлар эди. Бу муаммони ечиш ва ҳал қилишининг вақти етди, деб ўйлаймиш. Ахир ҳозирда уларнинг кўпчилиги умумтаълим мактабларида кеч аниқланиб, баъзан аниқланмасдан ҳам қолиб кетмоқда.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ҳам миллий чолғу асбобларини ўргатадиган мутахассислар иш бошласалар... Тарбиячи аналларимиз ўзбек халқ эртакларини моҳирона сўзлаб биладиган, аллалар айта оладиган бўлсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Бошлинишда ҳар бир туманда битта-иккита боғча шу усулга, яъни миллийча тарбияга ўтса, шу ҳақда эълон беришса, менимча бу янгиликка қизиқувчи ота-оналар қўллаб топиладар. Албатта, мумтоз адабиётимиз намуналаридан ўқитилса, бу соҳада ҳам мутахассислар таклиф қилинса натижаси яхши бўларди. Истагим шундай миллий боғча-мактабларни ташкил этиш ёки шу ишларда иштирок этишдир.

**Ибодат ХҲЖАНОВА**

**Спорт**

**ЎСМИРЛАР  
ТУРНИРИ  
ЯКУНЛАНДИ**

Шаҳримиздаги стадионларда футбол бўйича Наврўз Кубоги учун ўтказилган оммавий болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар якунланди.

Турнирда 1989, 1990, 1991 ва 1992 йилларда тутилган ўсмирлардан ташкил топган жами 92 та жамоа галаба учун кураш олиб борди.

Учрашувлар гуруҳларда бир даврада ўтказилиб, ғолиблар ярим финалга йўлланма олишди. Сўнг халқилувчи баҳсда энг кучлилар аниқланди.

1989 йилда тутилган ўсмирлар куч синашган катта гуруҳда «Аланга» ҳамда Геннадий Красницкий номидаги олимпия заҳираларини тайёрловчи БЎСМ жамоалари ўзаро баҳс юритди. Ушбу финал учрашувда 2:1 ҳисобида галаба қозонган «Аланга» командаси Наврўз Кубоғини қўлга киритди.

Кейинги ёш тоифасида «Локомотив» жамоасини худди шу 2:1 ҳисобида енгган «Олимпик» футболчилари галаба наҳидасини сурди.

14 ёшлилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда 1-БЎСМ жамоаси ғолиблар сафини бошқарди.

Энг кичиклар баҳсида эса финал ўйинларидаги энг йирик ҳисоб қайд этилди. Чунки, футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг ёш футболчилари ўз рақибларини 3:0 ҳисобида енгганлари холда зафар кунлиди.

**МЕРГАНЛАР  
МАҲОРАТ  
КЎРСАТИШДИ**

Қозғистоннинг Алматы шаҳрида ўтказилган ўқотиш бўйича «Олтин мерган» мусобақаларида мамлакатимиз ёш спортчилари катта муваффақият қозонишди.

Шахсий ҳисобдаги натижаларга тўхталадиган бўлсак, биттадан олтин ва кумуш нишонларни қўлга киритган Вячеслав Скоромнов ҳамюртларимиз орасида қарвонбошлик қилди.

Энг тажрибали спортчимиз Дилшод Мухторов эса биттадан олтин ва бронза нишонлари билан кифояланди. Яна Фатхи олтин, Сакина Мамедова, Сергей Возмишевлар бронза, Иван Шохов иккита бронза нишонларини қўлга киритишди.

Кўрсатган юқори натижаси учун Яна Фатхи халқроқ тоифадаги спорт устаси талабларини баҳарди.

(Ўз мухбиримиз)



**ФАХРИЙЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА**

Наврўз — янгиликлар, яшариш, меҳр-мурувват байрами сифатида неча минг йиллардан буён кенг нишонланиб келади. Айниқса, кексаларни зиёрат қилиш, ҳасталарнинг кўнглини кўтариш, уларнинг аҳолидан хабар олиш Наврўзнинг киши қалбига инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби фазилатларни жўш урдирийдиган хусусиятларидандир.

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасида Сихат-саломатлик йили ва Наврўз байрамига бағишлаб спорт фахрийлари билан учрашув бўлди.

— Ушбу тадбир туфайли биз фахрий спортчилар байрам дастурхони атрофида яна дийдорлашдик, узоқ йиллар давомида жаҳон ва қўтба чемпионатларида, Олимпияда ўйинларидаги иштирокимизни эслашиб ўтирибмиз. — дейди бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони ғолиби, 1976 йилги

Олимпиада ўйинларининг кумуш медали соҳиби Руфат Рискиев. — Бугун Юртимизда давлатимиз раҳбарияти томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аиниқса, болалар ва аёлларни оммавий спорт, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш билан бир қаторда кексалик гаштини сурраётган фахрийларга ҳам эътибор қаратилаётгани бизни қувонтиради.

Ўзбек заминда дунёдаги энг нуфузли мусобақаларда совриндор бўлган, юқори

поғоналарни эгаллаган кўплаб спорт юлдузлари вояга етган. Олимпияда ўйинлари, жаҳон ҳамда қўтба чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари Вера Дуонова, Лариса Павлова, Собир Рўзиев, Руфат Рискиев, Светлана Бабанина каби фахрийларнинг ҳаёти ва фаолияти бугун ҳар қандай ёш спортчига ўрнак бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Миллий Олимпия кўмитасида ўтказилган тадбир давомида меҳмонлар юртимизда олимпия ҳаракатини янада ривожлантиришда, спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларга ҳозирлик кўришида ўзларининг бой тажрибалари, қимматли маслаҳатлари билан ёрдам беришга тайёр эканини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** спорт фахрийлари билан учрашувдан лавҳалар

**Футбол**

**ҲАЛИ ИМКОНИАТ БОР**

КЕЧА

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги учрашуви ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мутахассислар муҳлисларнинг Жанубий Корея терма жамоасини гуруҳда етакчи дея берган баҳолари ўзбекистонликларга қарши кечган баҳсда ўзини оқлади. Чунки майдоннинг ҳар бир ерида мезонлар меҳмонларга нисбатан чаққонроқ ҳаракат қилишди. Тўп билан муомала қилишда, тўпни бир-бирига аниқ узатишда, ҳужум уюштириш тизорлик борасида тан олиш керак, Юрген Гёде шогирдларида ҳали камчиликлар борлиги кўзга ташланиб қолди. Биринчи бўлимда дарвозабон Игнаций Нестеровнинг юксак маҳорати туфайли ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда эса майдон эгалари томонидан уюштирилаётган кескин, шиддатли, тизор ҳужумлар самара бериб аввалига Ли Енг Кио, кейин эса Ли Дон Буклар терма жамоамиз дарвозабонини икки бор тўрдан тўп олиб чиқишга мажбур қилишди. Уч-

рашув 2:0 ҳисобида тугаши мумкин эди. Аммо 78-дақиқада Солиев томонидан уюштирилган тезкор ҳужум муваффақиятли якунланди. Анвар узатган тўпни қабул қилиб олган Гейнрих химоячини чиройли тарзда алдаб ўтган холда мезонлар дарвозасига кучли зарба йўллаб учрашунинг 2:1 ҳисобида якунланишини таъминлади.

Айтиш жоизки, жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг биринчи давраси якунланган бўлсада, ҳали терма жамоамизда Германияга бориш учун имконият бор. Чунки энди бўлаётган баҳсларнинг иккитаси Тошкентда ўтказилади. Гуруҳда учинчи ўринни эгаллаган жамоа ҳам жаҳон чемпионати финалига чиқиш учун курашни давом эттиради. Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг навбатдаги баҳслари июнь ойида бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

**Мунажжрим башорати**

**ФИДОЙИЛИК РАМЗИ**

1 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Мунажжимларнинг айтишича, бугунги кун Макара (ярим тимсоҳ — ярим балик) деб аталаркан. У фидойилик рамзи бўлиб, ўз-ўзини фидо қилиш ёки бошқаларга нисбатан кечиримли бўлишни билдиради.

Бугунги кун ўй-фикрларни поклаш, ҳаёлингизни ўраб олган турли ғоялардан халос бўлиш, ички тўсиқ ва қўрқувларни енгиб ўтишнинг аини пайти деб ҳисобланади.

1 апрель ҳаммиса ҳам қулги, ҳазил-мутойба кун бўлмаган. Қадимда бу кун шу қадар жиддий ва қудратли ҳисобланганки, эҳтиётсизлик билан айтилган бирон-бир нуқул аистақ-хоҳиш амалга ошиб қолмаслиги учун одамлар дарҳол уни рад этиб, «сен ҳазиллашяяпсан!» дейишган.

Кўёш тақвимидаги 12-кун рамзи ҳамда Кўёш ва Зухра юлдузи энергетика оқимларининг Кўй буржининг 12-даржасида қўшилиб кетиши ҳамма нарасада оиладаги энг кекса аёл маслаҳатларига қулқ тутиш кераклигига ишора қилади. Зеро, инсонлар бир томондан табиат қонунларига амал қилиб яшашга мажбур бўлишса, иккинчи томондан жамятда ҳукмрон бўлган ижтимоий қонунлар, тартиб-қоидаларга бўйсуниларига тўғри келади. Табиат ва жамят қонунларига мутаносиб иш тутишда, юзага келадиган қўллаб зиддиятларни бартараф этишда энг оқил зот — ҳаёт тажрибаларидан сочлари оқарган аёллар ёрдам беришда, ажал кучи ҳам, хотира куч-қудрати ҳам уларга маълум.

Сариқ маъданан ишланган буюмини топиб олиш яхшилик аломати ҳисобланади. Сув билан, чанг билан боғлиқ барча аломатлар (ёмғирда қолиб ке-

тиш, оёқларингизнинг ивиб кетиши, краданги сувнинг оқиб қолиши) нохушликлардан дарлолат беради.

Мабодо, оқ рангни кўрсангиз, у кўзга кўринмас ҳомийингиз борлигини билдиради. Ҳар қандай жарроҳлик муолажаларидан эҳтиёт бўлинг, стоматолог ҳузурига ташрифни бошқа вақтга қолдириш. Сув ва бўғимларингизни эҳтиёт қилинг, жароҳат ва лат ейишдан ўзингизни асранг. Териди бугун яра, чипқонлар пайдо бўлиши, шамоллаш жараёнлари зўрайиши мумкин.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган, кулранг туслари омадли бўлади. Оч яшил ёки оч кўк ранг либослар ҳам бугунги кунга мос келади. Жуда ёрқин ранглардан, кўзни оладиган қизил ва зарғалдоқ ранглардан ўзингизни олиб қочинг. Қора кийимларни ҳам четга суриб қўя турганингиз маъқул.

**ЖУМА ЎГИТЛАРИ:**  
— ҳар қандай бир ишни ниҳоясига етказиб қўйиш;  
— ҳулосалар чиқариб, келажак режаларини тузиб чиқиш;  
— уйни «кўтариб», иш ўринингизни тартибга келтириб қўйиш;  
— яхши дўстлар даврасида дам олиш, қийин дамларда ёрдам сўраб, қариндошларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Янги ишни бошлаш, ҳазил-мутойбага зўр бериш, одохлақ қоидаларини менсимасликдан ўзингизни тийинг.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси**

ТошкентТашкент Эзотбергуев номидаги Тошкент Давлат цирки

**2005 йил 18 мартдан**  
**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**  
**КУТИЛМАГАН ВОҚЕА**  
Тошкент Давлат циркида  
**ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ**  
транзит йўли асосида жаҳонда ягона  
**РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ**

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг! Цирк кассаларида хозирча чипталар бор. Жума, шанба, якшанбада Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!! Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.

**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир:**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
ҳатлар — 133-29-70,  
эълонлар —  
133-28-95, 133-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 боёма табоқ офсет усулида боёнали.  
3868 нускада боёнали. Қозғ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.